

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ–ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ЗАКИРОВА САЛОМАТ ҚАСИМБАЕВНА**

**ҚАШҚАДАРЁ ҚУЙИ ОҚИМИ ТАҚИРСИМОН ВА ТАҚИРЛИ-  
ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРНИНГ АНТРОПОГЕН ОМИЛ ТАЪСИРИДА  
ЎЗГАРИШИ**

**06.01.03-Агротупроқшунослик ва агрофизика**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences**

**Закирова Саломат Қасимбаевна**

Қашқадарё куйи оқими тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқларнинг  
антропоген омил таъсирида ўзгариши ..... 3

**Закирова Саломат Қасимбаевна**

Изменение такыровидных и такырно-луговых почв низовьев  
Кашкадарьи под влиянием антропогенного фактора ..... 21

**Zakirova Salomat Kasimbayevna**

The changes of takyr and takyr-meadow soils of downstream of Kashkadarya  
under anthropogenic factor ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ЗАКИРОВА САЛОМАТ ҚАСИМБАЕВНА**

**ҚАШҚАДАРЁ ҚУЙИ ОҚИМИ ТАҚИРСИМОН ВА ТАҚИРЛИ-  
ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРНИНГ АНТРОПОГЕН ОМИЛ ТАЪСИРИДА  
ЎЗГАРИШИ**

**06.01.03-Агротупроқшунослик ва агрофизика**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Qx13 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбекистон миллий университетида ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (<http://www.ziynet.uz>) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Абдуллаев Сағдулла,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Абдуллаев Анвар Хайдарович,**  
биология фанлари доктори  
**Зокирова Саноатхон Хомдомовна,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат аграр университети.

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.)

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси

**Р.Қ.Қўзиев,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
б.ф.д., профессор.

**Н.Ю.Абдурахмонов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим.

**М.М.Тошқўзиев,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда суғориладиган ер майдони 583,1 млн. гектарни ташкил қилади. Шундан Ҳиндистонда 558,1 минг км<sup>2</sup>, Хитойда 546,0 минг км<sup>2</sup>, АҚШ да 223,9 минг км<sup>2</sup>, Россияда 46,0 минг км<sup>2</sup>, Ўзбекистонда 42,8 минг км<sup>2</sup>, Қозоғистонда 35,6 минг км<sup>2</sup> майдон суғорилиб, деҳқончиликда фойдаланилади<sup>1</sup>. Суғориш натижасида тупроқ сизот сувининг кўтарилиши, шўрланишнинг ортиб бориши, ҳосилдорликнинг сифат ва миқдор жиҳатдан пасайиши ҳамда тупроқ эволюцияси билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келишига олиб келмоқда.

Дунёда иқлим ўзгаришининг тупроққа таъсири, тупроқдаги органик моддаларнинг ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги, бундан ташқари тупроқ эволюцияси бўйича бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Эволюцион жараёнларни тупроқ типлари ва экинлар тизимларидан келиб чиқиб, 6 та мамлакатдан олинган маълумотларни корреляцион боғлиқлиги таҳлил қилинган ҳолда, суғориладиган тупроқларнинг унумдорлик даражасини ошириш, сақлаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида ишланмалар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини изчиллик билан жадаллаштиришда тупроқ унумдорлигини ошириш масаласи энг мураккаб ҳисобланиб, тупроқ типига хос бўлган экин ерларига ишлов бериш ёки унинг озиқа тартиботини яхшилаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқларнинг антропоген омил, яъни, суғориш даврийлигига боғлиқ ҳолда тупроқларнинг агрофизикавий хоссаларининг ўзгаришини ўрганиш борасидаги тадқиқотларга етарлича эътибор олиб борилмаган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида "... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш" муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир тупроқ типи, типчаси, айирмасининг ҳосил бўлиши, яъни генезиси ва эволюцион тараққиёти антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини ва ривожланиш жараёнларини ҳисобга олиб, ўзига хос тартиботлар мажмуасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон "Ерларни муҳофаза қилиш улардан оқилона фойдаланиш борасидаги назоратни кучайтириш геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш давлат кадастрлари юритишини тартибга солиш чора-тадбирлари" тўғрисидаги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон <sup>1</sup>

<sup>1</sup>[http:// www.geographyofrussia.com](http://www.geographyofrussia.com)

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» мавзусидаги устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республика ва хорижий олимлардан М.И.Братчева, Г.И.Вайлерт, Н.Т.Муравьева, Н.В.Кимберг, Smart, М.К, S.De Pascale, G.Barbieri, Д.Р.Исमतов, А.М.Расулов, М.У.Умаров, Л.Турсунов, Ж.И.Икромов, Р.Қўзиев, М.М.Тошқўзиев, Ғ.Юлдашев, Р.Қурвонтоев, С.Абдуллаев ва бошқалар томонидан суғориладиган тупроқларнинг антропоген омил таъсирида агрокимёвий, агрофизикавий ва мелиоратив ҳолатини ўзгариши бўйича бир қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Лекин суғориш даврийлиги асосида тупроқларнинг морфогенетик ва эволюцион ҳолатининг ўзгариши бўйича илмий тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-446 «Қашқадарё воҳаси тупроқларининг ҳозирги давр унумдорлиги ҳолати ва уларни яхшилаш усуллари» (2007-2010 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №1/1-сон «Ўзбекистон суғориладиган тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш, ошириш ва муҳофаза қилиш ҳамда мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қашқадарё қуйи оқимида шаклланган тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқларининг агрокимёвий, агрофизикавий ва мелиоратив ҳолатини, эволюцион ўзгаришини тадқиқ этиш ҳамда унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўрганилаётган тупроқларнинг суғориш даврийлигини эътиборга олган ҳолда солиштирувчи тупроқ кесмаларини тушириш ва морфогенетик тавсифлаш;

тупроқларнинг суғориш таъсирида даврларда агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларининг ўзгаришини аниқлаш;

тупроқларнинг суғориш таъсирида мелиоратив ҳолатининг ўзгаришини тадқиқ этиш;

олинган маълумотлар асосида ўрганилган тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқларнинг агрохимёвий, агрофизикавий ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қашқадарё қўйи оқими ҳудудида жойлашган Миришкор, Касби, Косон, Муборак туманларида тарқалган тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Қўриқ ва ҳар-хил суғориш даврийлигига эга бўлган тупроқлар, уларнинг морфологияси, эволюцияси, озиқа элементлари, механик таркиб, сув физик хоссалари ва мелиоратив ҳолати.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тупроқларнинг дала ва лаборатория шароитларидаги таҳлиллари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных почвах хлопковых районах», «Методы агрофизических исследований почв Средней Азии», А.Ф.Вадюнина, З.А.Корчагинанинг «Методы исследования физических свойств почв и грунтов», «Руководства к проведению химических и агрофизических анализов почв при мониторинга земель» номли услубий қўлланмалари асосида амалга оширилди. Олинган натижаларни статистик таҳлили Microsoft Excel дастурлари асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқларнинг суғориш даврийлигининг тупроқ унумдорлигига ва эволюцион ҳолатига таъсири исботланган;

тупроқларнинг суғориш даврийлиги асосида унинг умумфизик, физик механик ва сув-физик хоссаларининг ўзгариши аниқланган;

тупроқларнинг турли маданий ҳолатларини комплекс ўрганиш асосида мелиоратив ҳолатини ўзгариш динамикаси аниқланган;

тупроқларнинг хосса-хусусиятлари, ҳолати тўғрисидаги маълумотлар асосида ерларга ишлов бериш, суғориш, мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳамда унумдорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:** қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё қўйи оқими тупроқларини суғориш даврийлиги асосида ўзгариш жараёнлари илмий асослаб берилиши билан бирга тупроқларда антропоген омиллар таъсирида содир бўлаётган салбий жараёнларнинг олдини олиш ва уни бошқариш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Қашқадарё қўйи оқими тупроқларининг сув-физик, физик-механик ва мелиоратив хоссаларини тавсифлаш бўйича олинган маълумотлар суғориш тартиби, мелиоратив ва агротехник тадбирлар лойиҳасига кўра, асослаган ҳолда суғориш ва шўр ювиш меъёрларини аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олиб борилган кўп йиллик лаборатория ва дала тажрибаларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги ҳар йили махсус ташкил этилган университет комиссияси ва раҳбарияти томонидан ижобий баҳоланганлиги ҳамда нашр этилган услубий кўрсатмалар асосида бажарилганлиги, олинган маълумотлар кўп омилли компьютер дастури ва математик-статистик усуллар ёрдамида қайта ҳисоб қилинганлиги,

шунингдек, Республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда Олий Аттестация Комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналлари даврий нашрларида чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий ва мелиоратив ҳолати суғориш даврийлигида ўзгариш жараёнлари тўғрисидаги олинган илмий асосланган маълумотлар суғориладиган тупроқларда бевосита йиллик суғориш тизими ва шўр ювиш меъёрларини ҳисоблаб чиқиш, агрокимёвий, агромелиоратив хаританомалар тузиш имконини беради.

Сув меъёрларини тўғри табақалаштириш, ўз навбатида бу тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш, тиклаш ҳамда қайта шўрланишдан сақлаш имкониятини яратади. Бундан ташқари, тупроқ қопламанинг сув ўтказувчанлиги ва намланиш чуқурлиги тўғрисидаги маълумотлар шўр ювиш муддатини ҳам тўғри аниқлашга асос бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қашқадарё қўйи оқими тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқларининг антропоген омил таъсирида ўзгариши доирасида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Қашқадарё қўйи оқимида тарқалган тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқлар учун ўзига хос бўлган морфогенетик белгилари - чимли қатлами, ранги, агрегатлик ҳолати, зичлиги, механик таркиби, карбонатли ва гипсли қатламанинг мавжудлиги, бу тупроқлар деҳқончиликда фойдаланиш жараёнида морфологик белгиларининг ўзгариши ва чиринди қатламанинг мавжудлиги ҳамда унинг қатлам қалинлиги аниқланган ҳолда сувни тежаш тартиботи жорий этилган (Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 10 майдаги 02-05-3665-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тупроқларнинг суғориш меъёрларини белгилаш имконияти яратилиб, гектарига 1800-2500 м<sup>3</sup> ўрнига, 900-1100 м<sup>3</sup> сув сарф этилишига эришилган;

Касби туманидаги “Пахтакор”, Миришкор туманидаги “Миришкор” ҳамда Муборак туманидаги “Хитой” массивлари бўйича тупроқларнинг механик таркибини ифодаловчи намунавий 1:10000 масштаби картограммалари ишлаб чиқилган (Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 10 майдаги 02-05-3665-сон маълумотномаси). Мазкур картограммалар тупроқларнинг суғориш ва шўр ювиш меъёрларини белгилашда қўлланма сифатида хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 22 та, жумладан 8 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан жами 28 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик диссертациялари асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 120 бетни ташкил этгади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қарши чўли тупроқларининг ўрганилганлик даражаси”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича бажарилган тадқиқот якунларига доир маҳаллий, хорижий адабиётлардаги фикр ва мулоҳазалари келтирилган. Қашқадарё воҳаси хусусан, Қарши чўли тупроқларини унумдорлигини оширишга, яъни, бир вақтда, унинг агрокимёвий, агрофизикавий ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга, эволюция жараёнини ўрганишга қаратилган тадқиқот ишлари жуда кам олиб борилган, ҳамда узоқ вақт илмий изланишларга эътибор берилмаган. Биз бажарган илмий изланиш ўз моҳияти билан Қашқадарё қуйи оқими минтақасида илк бор ўтказилмоқда. Бу тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар ўз навбатида суғорилиб, деҳқончилик қилиниб келинаётган асосий тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган бўлиб, у тупроқлардан самарали фойдаланиш йўллари очиб беради.

Диссертациянинг **“Тадқиқот олиб борилган ҳудудни табиий шароити ва тарихий ўрни”** деб номланган иккинчи бобида жойнинг географик ўрни, геологик, геоморфологик, литологик тузилиши ва рельефи, гидрогеологик шароити, иқлими, ўсимликлари, инсон фаолияти тўғрисидаги фикрлар баён этилган.

Тадқиқот олиб борилган ҳудуд тупроқларида антропоген омиллар таъсирини тўлиқ тавсифлашда тупроқ-геокимёвий ва қиёсий услубдан ҳам фойдаланиб, олинган рақамли маълумотлар тупроқ-иқлим шароити ўхшаш жойларда олиб борилган тадқиқот натижалари билан ҳам солиштирилди ва тегишли натижаларга эришилди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объекти ва қўлланилган услублар”**, деб номланган учинчи бобида Қашқадарё қуйи оқимида кенг тарқалган суғорилиб деҳқончилик қилиниб келинаётган тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий ва мелиоратив ҳолатини антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини аниқлаш ва уларнинг унумдорлигини сақлаш ҳамда тиклаш

бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида, Қашқадарё қўйи оқимида тарқалган суғориладиган тупроқлар изланиш объекти қилиб олинди. Булар асосан Миришкор, Касби, Косон ва Муборак туманлари майдонларни эгаллаб ётган тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқлардир.

Тупроқларнинг генетик қатламлари бўйича ҳажм массаси цилиндр усулида аниқланди. Гумус миқдори – И.В.Тюрин, сув ўтказувчанлик– Долгов, капилляр, тўлиқ ва дала нам сифими – Н.А.Качинский усулида аниқланди. Тупроқларнинг кимёвий таркиб бўйича сувда осон эрувчи тузлар миқдори умумий қабул қилинган – сувли-сўрим тайёрлаш усулда аниқланди.

Сув-физик хоссаларидан: тупроқнинг механик ва микроагрегат таркиби –Н.А.Качинский, солиштирма оғирлик пикнометр, агрегатларни сувга чидамлиги– Г.И.Павлов, тупроқларнинг структурали ҳолати – Н.И.Саввинов, максимал гигроскопик намлик– А.В.Николаев, ўсимликларнинг сўлиш намлиги – ҳисоблаш усуллари асосида олиб борилган.

Диссертациянинг **“Қашқадарё қўйи оқими тупроқларининг эволюцияси ва морфогенетик тузилишига суғориш даврийлигини таъсири”** деб номланган тўртинчи бобда Қашқадарё соҳилларида тарқалган тақирли тупроқлар асосан қадимги аллювиал ётқизиклар ва неоген-палеоген қумли элювий ётқизиклари устида ҳосил бўлганлиги асосланган.

Бугунги кунда Қашқадарё қўйи оқими тупроқларида турли даврларда суғориш ишларини олиб бориш натижасида нафақат тупроқларнинг генетик ёки бошқа хоссалари ўзгаришига, балки унинг мелиоратив ва экологик ҳолатига ҳам сезиларли таъсир қилган, чунки текшириш ишлари олиб борилган ҳудуд тупроқлари ўзининг ривожланиш жараёнида тупроқ генетик хусусиятларининг ўзгаргани ва шўрланиш кучайиб бориши сезилмоқда. Тупроқларнинг икки метрли қатламида сувда осон эрувчи тузларнинг умумий миқдори 200 т/га ташкил қилмоқда.

Қашқадарё ҳавзасида тақирсимон-ўтлоқи тупроқлар унинг энг қўйи аллювиал текислигида ривожланади. Тақирсимон тупроқлар эволюцияси – бу дарёлар фаолияти билан боғлиқ, Л.Турсуновнинг кўрсатишича, бу тупроқлар текис ҳудудларда дарё келтирилмалари (лойқалари) нинг тўпланиши-чўкиши ҳамда ўта қуруқ чўл иқлими таъсирида ўзининг эволюцияси, генетик қатламларини шакллантириш маҳсулидир. Бу тупроқлар аллювиал ва пролювиал ётқизиклар устида шаклланиб, кесмаси қаватли, лойқа, қумоқ, қумлоқ ва қумли бўлади, бироқ унинг энг юқори қисми кўп ҳолларда энгил лой ёки оғир қумоқлидир.

Суғориш жараёни эса, генетик қатламлар морфологик тузилишини янада ўзгартиради. Бунда, биринчи ўринда, кўзга яққол кўриниб турувчи катта ўлчамли агрегатли бўлакча-кесакчалар йўқолади, тупроқ массаси оч тусли бўз ранг ҳамда малла товланувчи рангга эга бўлади. Суғориш муддатининг ортиб бориши билан бу тупроқларнинг морфологик белгилари туйғунлаша боради: биринчидан, вертикал қатламларда суғориш сувлари билан сувда эрувчан тузлар қўйи қатламларга ювилиб ўтади, карбонат ва гипсли қатламларнинг жойланиш чуқурлиги ҳам ортади; иккинчидан, суғориш

жараёнида тупроқларнинг юқори қисмида ирригация сувлари билан олиб келинган лойқали заррачалар ҳамда деҳқончилик даврида инсонлар томонидан ўғит сифатида солинган ноанъанавий ўғитлар–эски пахса девор қолдиқлари, суғориш шаҳобчаларидан чиққан қумли, лойқали ётқизиклар ва бошқалар таъсирида бир хил механик таркибли, бир оз малла товланувчи рангдаги антропоген-агроирригацион қатлам вужудга келади ва унинг қалинлиги суғориш даври сувларининг лойқаланиш даражасига бевосита боғлиқ бўлиб, нафақат тупроқ белгилари, балки бутун қатлам бўйича туз ва карбонатларни жойлашиши ҳам ўзгаради. Натижада тақирсимон тупроқлар, вақт ўтиши билан тақирсимон-ўтлоқи тупроқларга айланиб боради. Қуйида шу тупроқларни антропоген омиллар таъсирида хосса-хусусиятларини ўзгариш динамикасини очиб беришга ҳаракат қилдик.





Олинган маълумотлардан кўринадикки, тупроқ суғориш даврийлигини ошириш билан уларда аста-секин гумус ҳамда озика моддалар миқдори, айниқса ялпи азот ва фосфор ошиши кузаталади. Умумий азотнинг миқдори ҳам суғориш муддати ошган сари ошиб бормоқда. Калийнинг миқдори 1,50% ни ташкил қилса 30-50 йил атрофида деҳқончилик қилиниб келинаётган тупроқларда бу кўрсаткич 1,58-1,60% ни ташкил қилади, кўриқ тупроқларда эса бу миқдор 1,21-2,08% ни кўрсатмоқда. Бунинг сабаби бизнинг фикримизча, ерларда доимий бир хил техник экинларнинг экилиши оқибатида тупроқнинг ўсимликлар озикланиш қатламида калийнинг олиб чиқиб кетилиши натижасида унинг миқдори озайган бўлиши мумкин.

Бундай гумус миқдори бўйича фарқланиши бир мунча чуқур ғўза илдизи тарқалган қатламлар учун ҳам сақланади. Агарда тақирсимон-ўтлоқи тупроқнинг қадимдан суғориладиганини 58-100 см қатламида 0,52 % гумусни ташкил қилса, худди шундай чуқурликдаги (54-82 ва 82-115 см) кўриқ тупроқда уни миқдори массага нисбатан 0,14 ва 0,10 % дан ошмайди, яъни, қадимдан суғориладиганга нисбатан 4-5 марта кам. Шуни қайд этиш лозимки, 3- йил суғориладиган тақирсимон ўтлоқи тупроқда гумус миқдори 0,79 % ни ташкил қилса, худди шундай қатламда 30 ва 50 йил суғориладиган тақирсимон ўтлоқи тупроқда уни миқдори мос равишда 1,01 ва 1,09 % гача, 100 йилдан ошиқ суғориладиганда 1,16 % гача ошади.

Кўриладиган Қарши чўли тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқларини жами сингдириш асослари уларнинг механик таркиби ва суғориш даврийлигига боғлиқ бўлиб, асосан 100 гр тупроқ учун 7-9 дан 12-13 мг/экв га тенг. Механик таркиби бир мунча енгил кўриқ тақирсимон ўтлоқи тупроқларнинг (енгил қумоқли ва қумлоқли) қатламларида алмашилиш асослари 100 гр тупроқда 3-5 мг/экв дан ошмайди. Изланаётган тупроқларнинг енгил ва оғир қумоқлисида сингдириш сифимини юқорилиги (10-13 мг/экв) билан фарқланади.

Тупроқ унумдорлигини аниқловчи омилларидан яна бири унинг агрофизикавий хоссаларидир. Изланишлар олиб борилган ҳудудларда суғориш натижасида тақирсимон- ўтлоқи, (ўтмишда бу тупроқлар тақирли бўлган) тупроқларнинг юқори қатламидаги ил заррачалари пастга қараб

ювилиши сезилади. Бунинг оқибатида суғориладиган тақирсимон ўтлоқи тупроқларнинг устиқи қатлами механик таркибининг бироз енгиллашиши ҳисобига унумдорлигининг қисман пасайишига олиб келмоқда. Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, биз ўрганган тупроқлар кўп қатламлиги ва механик таркибининг турли-туманлиги билан фарқланганлигидан бошқа тупроқларга нисбатан айнан шу тупроқларда унумдорлик сезиларли ўзгармоқда.



### 1-расм Турли даврда суғорилган тақирсимон - ўтлоқи тупроқларнинг гумус ва озика моддалар заҳираси.

Тупроқлар механик таркибининг кесма бўйича ўзгариши унинг физик хоссаларига кучли таъсир кўрсатади.

Бу ўзгаришни даврларда текшириш ишлари олиб борган тупроқларимизда яққол кузатишимиз мумкин. Уларнинг ҳайдов қатлами оғир қумоқли бўлиб, физик лой миқдори 47,3 дан 57,6% гача тебранади. Умуман йирик чанг заррачалар миқдори бир метр ва бир ярим метр қалинликда бошқа заррачаларга қараганда бирмунча кўп ва асосан 26 дан 52% гача тебранади.

Суғориладиган тақирсимон ўтлоқи тупроқларда ҳамма қум заррачалар (0,05 мм) юқори қатламида 15-20 %, ил заррачалар эса 12 – 13 дан 22 – 24 % тупроқ массасига нисбатан тебранади.

Қашқадарё воҳасининг чўл ҳудуди тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқлари учун уларнинг йирик чанг ва майда қум заррачалар (0,05-0,01 ва 0,1-0,05 мм) билан бойитилганлиги характерлидир.

Шуни қайд этиш керакки, тақирсимон ўтлоқи тупроқларда узок давр суғорилиши таъсирида янгидан суғориладиган уларнинг турдошларига нисбатан юқори қатламлари майда чанг зарралари ва жойларда ил заррачалари микдори ошиши ҳисобига бирмунча оғирлашиши содир бўлади.



5-кесма - Қўриқ



1-кесма - 3 йил



2-кесма - 10 йил



3-кесма - 30 йил



4-кесма - 50 йил



6-кесма - 100 йил

2-расм. Турли даврларда суғориладиган тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқларнинг механик таркиби

Суғориладиган тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқнинг юқори 1 метрли қатламининг ҳақиқий микроагрегатлар жамламаси 10–15 дан 33–44 % гача, кўриқ тупроқларда умумий оғирлигига нисбатан 15–23 дан 38 – 56 % гача тебранади.

Тадқиқотлар олиб борилган асосий суғориладиган тупроқларда суғориш даврийлигидан қатъий назар ҳамма геоморфологик районлар бўйича СО-2,50 дан 2,73 г/см<sup>3</sup> гача тебраниб туради. Бу бутун Қашқадарё воҳаси учун ҳам характерли ҳисобланади. Шунини таъкидлаш зарурки, тупроқлар механик таркиби бўйича бир хил бўлсада, минерологик таркиби бўйича бирмунча фарқланади. Йирик дисперсияли заррачалар минерологик таркибини ўрганиш натижасида, эскидан суғориладиган тупроқлар кесмасининг юқори ва ўрта қисмида оғир минераллар СО-2,9 г/см<sup>3</sup> дан юқори-эпидот, гранат, гематит, лимонит, магнетит тўпланиши кузатилади, эскидан суғориладиган тупроқларда бу минералларнинг иштирок этиши СО ошишига олиб келади.

Текширилган тупроқларнинг ҳажм оғирлиги (ХО) эса турли туман бўлиб, минераллар (маъданлар) миқдори, органик ва орғано-минерал моддалар, структуралиги, суғориш даврийлиги, гидроморфизми, хўжаликда фойдаланилиши ва ҳоказолар, тупроқларнинг ХО ўзгаришига олиб келади. Ўрганилган тупроқлар ХО турли геоморфологик районда турлича бўлиб, улар ўртасида кескин фарқ сезилмайди. Тупроқларнинг ҳайдов ости қатламида кучли зичлашган (1,45-1,53 г/см<sup>3</sup>) қатлам ҳосил бўлган. Олинган маълумотларда кўрсатилишича, Қарши чўли тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқларининг ҳайдов қатламида уни кўрсаткичлари кам –1,21 дан 1,32 г/см<sup>3</sup> гача катталикларда ўзгаради. Тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқларнинг 50 ва 100 йилдан зиёд суғорилганида унинг кўрсаткичи бирмунча кам бўлиб, мос равишда 1,48 ва 1,53 г/см<sup>3</sup>, ундан чуқурроқ қатламларда ва тупроқ ҳосил қилувчи жинсда 1,55 – 1,59 г/см<sup>3</sup> га етади.

Умумий ғоваклик (УҒ) кўрилаётган тупроқнинг юқори 1 метрли қатлам чегарасида 43–45% дан 48–56% гача тебранади. 10 йилдан зиёд суғорилган тақирсимон-ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдов ости қаватида кам умумий ғоваклик (43-46%) кузатилиб, 3 йил суғорилган тақирсимон ўтлоқи тупроқларда энг кўп (47 – 50%) умумий ғоваклик кузатилади.


Хулоса қилиб, шунини таъкидлаш керакки, Қарши чўли суғориладиган тупроқлари суғориш ва агротехник тадбирлар таъсирида ҳайдов ости ва ундан пастки қатламларининг ўта зичлашиши кузатилади, уни баргараф қилиш учун ҳамма вақт чуқур – камида 40 см чуқурликда ҳайдаш тавсия этилади.

Қишлоқ хўжалигида тупроқларнинг қуйи ёпишқоқлик чегараси катта қизиқиш уйғотади, чунки уни етилган ҳолатдаги намлигини ва ишлов беришга тайёрлигини характерлайди.

Текширилаётган тупроқларнинг пластиклик чегара кўрсаткичлари суғориш даврийлигига ва унинг физик лой миқдори (< 0,01 мм заррачалар) боғлиқ ҳолда бир хил эмас. Ўрганилаётган ҳудуд кўриқ суғориладиган оғир қумоқли тақирсимон ўтлоқи тупроқларининг ҳайдов ва ҳайдов ости қатлами

пластликлик чегараларни юқори (27-32%) ва пастки (20-21%) кўрсаткичларни юқорилиги билан характерланади.

Шу билан бирга 3 йил суғориладиган тақирсимон ўтлоқи тупроқнинг (1-кесма) ҳайдов қатламини ҳажмий (17-19 %) ва йўналиши (5,6 %) бўйича чўкиш катталиги кам, худди шундай суғориладиган ўзлаштирилган даври кўп тақирсимон ўтлоқи тупроқда мос равишда 9,1-9,5 ва 7 % ни ташкил қилади.



### 3-расм. Турли даврда суғориладиган тақирсимон ўтлоқи тупроқларнинг макроагрегат таркиби ва агрегатлар ғовақлиги, %.

Тупроқларнинг механик таркиби енгиллашиб боргани сари ҳажмий ва йўналиш бўйича чўкиши камайиб боради ва аксинча. Шу жумладан, 30 ва 50 йил суғориладиган тақирсимон ўтлоқи тупроқларнинг ўрта қумокли қатламларида ҳажмий ва йўналиш чўкилиши мос равишда 15,6-15,2 ва 5,6 %, кўриқ тақирсимон ўтлоқи тупроқнинг лой қатламида эса (физик лой миқдори 67,8%), бу катталиклар тупроқ массасига нисбатан 23,3 ва 8,3% га етади.

Қашқадарё қуйи оқими тупроқларини унумдорлик қобилиятини баҳолаш уларни мақбул мелиоратив ҳолатини ва суғориш меъёрларининг, тартиботини яратиш учун тупроқ унумдорлигининг энг муҳим омилларидан сув-физик хоссаларини чуқур билиш зарур. Шу нуқтаи назардан биз тупроқларнинг айрим сув-физик хоссаларини суғориш таъсирида ўзгаришини ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Тупроқларнинг максимал гигроскопик намлиги унинг механик таркибига, органик моддалар миқдориغا, сингдириш сиғимиغا, минералогик таркибига, сувда эрувчи тузлар миқдориغا ва таркибига, ниҳоят унинг зичлигига боғлиқ.

Олинган маълумотларнинг далолат беришича, максимал гигроскопик намлик (МГ) ўрганилган тупроқларда ва кесма чуқурликлари бўйича кенг миқёсда ўзгаради. Бунинг асосий сабаби тупроқларнинг механик таркиби ва кимёвий хоссаси бўлса, унинг энг муҳими кўрсаткичи ил ва туз миқдоридир.

Биз текшириш ишлари олиб борган тупроқларимизнинг юқори қатламларида ўсимликларнинг сўлиш намлиги (СН) кўрсаткичларини 10, 5% баландлиги билан характерланади. Бунга сабаб гумус миқдори ва сувда эрувчи тузларнинг бўлишидир.

МГ суғориладиган тақирсимон ўтлоқи тупроқ шўри ювилмаган намуналарининг ўрта кумоқлиларида 4,4–5,0 дан энгил кумоқли қатламларида 8,5 % гача тебранади. Шўри ювилган тупроқ намуналарида МГ намлик кўрсаткичи кўрсатилган катталиклардан кам фарқ қилиб (4,2 – 7,9), айрим кўрсаткичлар ювилган намуналарда ҳам олинди.

Ўсимликларнинг сўлиш намлиги, механик таркиб ва гумус миқдори ҳамда тупроқнинг маданий ҳолатига боғлиқ. Суғориладиган тақирсимон ўтлоқи тупроқларда ўсимликларнинг сўлиш намлиги кўрсаткичи энгил ва ўрта кумоқли қатламлар учун 5-6 %, оғир кумоқли ва лойли қатламлар учун массасига нисбатан 9-10 % ташкил қилади.

Суғориладиган тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқларнинг юқори бир метр қатлам доирасидаги дала нам сиғими (ДНС) суғориш даврийлиги ва турли механик таркибига боғлиқ 18 дан 24 % тупроқ массасига нисбатан ўзгаради ёки энгил ва ўрта кумоқлида – 22 дан 26 % гача, оғир кумоқли ва лойли қатламларда – 32 дан 39 % гача ўзгаради.

Текширилаётган тупроқларнинг намлик захираси дала нам сиғимиغا мос равишда механик таркиби ва суғориш даврийлигига боғлиқ ҳолда бўлиб турлича кўринишга эга: энг кўп нам захираси 50 ва 100 йилдан зиёд суғорилган тақирсимон ўтлоқи тупроқларнинг юқори 1 метрли қатламида (3030 ва 3022 м<sup>3</sup>/га) етиб, 30 йил суғорилган тупроқда у сезиларли намлик даражаси (2500 м<sup>3</sup>/га), тахминан худди шундай кўрсаткични турли даврда суғориладиган тақирсимон ўтлоқи тупроқларда кузатиш мумкин. Фаол намлик оралиғи (ФНО) қадимдан суғориладиган тақирсимон ўтлоқи тупроқларда сезиларли кўп ва 0-100 см қатлам учун 2010 м<sup>3</sup>./га, янгидан суғориладиганларда қарайиб 200-400 м<sup>3</sup>./га кам.

Капилляр намлик сиғими (КНС) текширилаётган тупроқларнинг юқори бир метр қалинлигида уларнинг механик таркиби ва қатлам жойлашишига боғлиқ ҳолда массасига нисбатан 25 дан 31 % ёки тупроқнинг ҳажмига нисбатан 33 дан 40 гача тебранади. Энг юқори КНС ҳайдов қатламининг юқори қатламларида белгиланади. Бунинг сабаби, ҳаммадан аввал уларда гумус миқдорининг, ил ва майда чанг заррачалар миқдори кўплиги ҳамда нисбатан қатлам юмшоқлигидир. Худди шундай қонуният тақирсимон

ўтлоқи тупроқларнинг тўла нам сифимиға (ТНС) нисбатан ҳам сақланиб қолади ва унинг катталиғи суғориш даврийлиғиға боғлиқ ҳолда 38 дан 51% гача тебранади.

Изланиш олиб борилган тупроқлар ўзига хос хоссалари ва турли-туманлиғи билан ажралиб туради, яъни ҳар хил механик таркибли, жуда кўп қаватли, турли даражада шўрланган ва зичлашган бўлиб, уларнинг сув ўтказувчанлиғи ҳам турличадир. Улар ичида янгидан суғориладиган кучсиз-ўрта шўрланган, енгил кумоқ, кумлоқ, таркибли тупроқлар яхши сув ўтказувчанлик қобилиятиға эға.

Тупроқ сув ўтказувчанлиғи суғориш даврийлиғиға қараб кучли ўзгаради, айниқса, 30 йил суғорилган тупроқда биринчи соатда кузатишича сувнинг шимилиш тезлиғи бирмунча ёки кам юқори бўлсада, аммо кейинги соатларда у кескин қисқаради.

Ўн соат кузатиш давомида 30 йил суғориладиган тақирсимон ва тақирли ўтлоқи тупроқда шимилган сув миқдори 114 мм. ни, 50 ва 100 йилдан зиёд суғорилганда мос равишда 101 ва 128 мм. ни ташкил этади.

3 ва 10 йил суғорилган тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқларда ўн соат кузатиш даврида шимилган сув миқдори бирмунча юқори ва мос равишда 218 ва 244 мм ни ташкил қилди.

Олинган маълумотлар асосида Қашқадарё қуйи оқими суғориладиган тупроқларни сув ўтказувчанлиғи бўйича қуйидаги гуруҳларға ажратилади (шимилган сув миқдори мм. ҳисобида 10 соат давомида):

1. Яхши сув ўтказувчанлик 200-300 мм. Бунга енгил кумоқ, кумлоқи ва кум устида ҳосил бўлган енгил-ўрта кумоқ механик таркибли зичлиғи, 1,30-1,40 г/см<sup>3</sup> бўлган тупроқлар киради.

2. Қониқарли сув ўтказувчанлик 100-200 мм. Бу гуруҳға енгил кумоқ, кумлоқи ва кумлар устида ҳосил бўлган ўрта ва оғир кумоқ механик таркибли, зичлиғи 1,40-1,50 г/см<sup>3</sup> бўлган тупроқлар киради.

3. Қониқарсиз сув ўтказувчанлик 50-100 мм. Бу гуруҳға турли қаватли ўрта-оғир кумоқ ва лой ётқизикларида ҳосил бўлган, кўзга яққол ташланадиган қаттиқ зичлашган 1,50-1,60 г/см<sup>3</sup> қатламли ўрта ва оғир механик таркибли тупроқлар киради.

4. Ўта қониқарсиз сув ўтказувчанлик 50 мм дан кам. Бунга хаддан ташқари зичлашган (зичлиғи 1,6 г/см<sup>3</sup> ва ундан юқори ) кучли шўрланган, шўртоблашган оғир кумоқли ва лойли механик таркибли тупроқлар киради.

Тупроқларнинг суғориш меъёрини уларнинг механик таркиби ва шўрланиш даражасиға қараб 10-20 % га ошириш ёки қисман камайтириш мумкин. Тавсия асосан ғўза ўсимлиғи учун берилган бўлиб, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ва уларнинг мелиоратив шароитини ҳисобға олган ҳолда ҳам ўзгартириш мумкин.

Тупроқларни шўрланиш даражасини ўтган 15-17 йиллик маълумотларини туманлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, асосан умумий ер майдонларига нисбатан кучсиз ва ўртача шўрланган майдонларнинг ошиб боришини кузатиш мумкин. Жумладан, Миришкор туманида 2000

йилда 60,709 га ердан 50 % турли даражада шўрланган бўлиб, 2017 йилда туманда 63,428 гектардан 26,822 гектари турли даражада шўрланган. Лекин қолган Касби, Косон ва Муборак туманларида шўрланган ерларнинг умумий миқдори ошганлигини кузатиш мумкин. Жумладан 2000 йилда 44551 гектар ердан 26051 гектари шўрланган. Шундан 25816 гектари кучсиз шўрланган бўлиб, 2000 йилга нисбатан қарийиб 6000 минг гектардан зиёдга ошган. Косон туманида эса қарийиб 70 % ер турли даражада шўрланган. Мисол учун 2000 йилда жами майдонларнинг 47563 гектари шўрланган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилга келиб туриб, 300 гектарга яқин ошган, яъни, Қашқадарёнинг қуйи оқими ҳисобланган Косон ва Муборак туманларида кучсиз ва ўртача шўрланган майдонларнинг гектари ортиб бораётганлиги аниқланди. Бунинг асосий сабаби мазкур туманлар Қашқадарёнинг қуйи оқими бўлганлиги сабабли, сувда енгил эрийдиган тузларнинг аккумуляцияси шу жойларда содир бўлаётганлиги кузатилмоқда.

Суғориладиган тупроқлар шароитида ер ости сизот сувларининг ҳосил бўлиши, уларнинг маълум чуқурликда тўпланиши ва ҳаракати асосан ерларнинг рельеф тузилиши гидрогеологик шароитлари билан чамбарчас боғлиқдир. Қашқадарё қуйи оқими суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувларининг ҳосил бўлиши асосан сув оқимининг сустиги ва Муборак тумани томонга кичик қияликлар остида ҳаракат қилиши натижасида содир бўлган деб қараш мумкин.

Ўрганилаётган худуднинг турли даврда суғорилган оғир кумоқли тақирсимон-ўтлоқи тупроқлари сувда эрувчи тузлар миқдори бўйича шўрланмаган ва айрим жойларда (асосан хлор бўйича) кам шўрхоклашган Тақирсимон-ўтлоқи тупроқларнинг шўрланиш жараёнлари устида олиб борган тадқиқотларимиз шундан далолат берадики, юқорида изланишлар олиб боришган олимларни фикрини тасдиқлаган ҳолда, фақат 20-30 йил мобайнида кўриқ тупроқларга нисбатан суғориладиган тупроқларда шўрсизланувчи жараёнларни кузатиш мумкин. Кейинги 50-100 йил даврларда суғорилиб деҳқончилик қилиниб келинаётган тупроқларда эса умумий тузлар миқдорининг ошиб боришини кузатиш мумкин.

Жумладан, кўриқ тақирсимон ўтлоқи тупроқнинг ҳайдов қатламида (1-кесма), сувда эрувчи тузларнинг қуруқ қолдиқ бўйича миқдори 0,23 % ва 0,066 % дан, хлор бўйича эса – 0,02 ва 0,004 % дан массага нисбатан ошмайди. Ҳайдов ости ва бир метр чуқурликка қадар 3 йил суғориладиган тупроқнинг қуруқ қолдиқ бўйича ҳам миқдори унча юқори эмас.

Бу жараённинг асосий сабаби суғориш даврийлигининг ортиб бориши билан тупроқ қатламларида ортикча намликнинг кўпайиши, сизот сувларининг ҳосил бўлиши ва тупроқ капиллярлари орқали кўтарилиши ва парланиш оқибатида вужудга келмоқда.

Тузлар захираси бўйича олинган маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, ўрганилган туманлар тупроқ-заминларининг умумий сувда эрувчи тузлар захираси икки метрли қатламда 35-73 («Ғалаба» хўжалиги) дан 226-232 т/га («Гулистон» хўжалиги) ча тебранади, шунга мос равишда биринчи метр

қатламда 17-46 дан 81-112 т/га ча Муборак туманинг «Гулистон» хўжалигида туз захирасининг катта миқдори, Касби туманининг «Ғалаба» хўжалигида кам миқдори қайд этилди.

Ўрганилган туманлар тупроқларида сувда эрувчи тузлар миқдори 200 т/га ча икки метрли тупроқ-заминда тўпланиши ҳозирча унчалик юқори эмас, аммо агарда иккиламчи шўрланиш ва тупроқда тузлар тўпланиши сабабларини келтириб чиқарувчи омилларни олдини олувчи тез мелиоратив тадбирлар қўлланилмаса, улар доимо аста-секин ошиб боради.

## ХУЛОСАЛАР

1. Қашқадарё қуёи оқими ўзининг геоморфологик, гидрогеологик ва литологик жиҳатидан жуда хилма-хил жараёнда нуралган қадимги ва ҳозирги замон аллювийсидан иборат бўлиб, улар мураккаб минерологик ва механик таркибдан ташкил топган ва улар тупроқ кесмаси, генетик қатламларнинг шаклланишида, кейинги эволюциясида ўз таъсирини ўтказди.

2. Қашқадарё қуёи оқимида тарқалган тупроқ тип ва типчалари учун ўзига хос морфогенетик белгилар – чимли қатлами, ранг, агрегатли ҳолат, зичлик, механик таркиб, карбонатли ва гипсли қатламнинг ифодаланиши, ўсимлик ва ҳайвонат дунёси фаолияти кабилар мавжуд. Бу морфологик белгилар тупроқлардан дехқончиликда фойдаланиш жараёнида ўзгаради. Узоқ муддатли суғориш жараёнида вужудга келган асосий морфологик белги – калин бир хил рангдаги чириндили қатламнинг мавжудлигидир.

3. Ҳудудда ўрганилган тупроқлар механик таркиби жиҳатидан, енгил, ўрта ва оғир кумокли бўлиб, таснифли томонларидан йирик чанг (0,05-0,01 мм.) заррачаларига бойлигидадир. Узоқ муддат суғориш таъсирида қўриқ ва янгидан суғориладиган тупроқларга нисбатан юқори қатламнинг механик таркиби майда чанг ва жойларда ил заррачаларининг ошиши, ҳамда кум заррачаларини тупроқ ҳайдов қатламида камайиши ҳисобига бир мунча ўзгариши кузатилади. Суғориш даврийлигининг ошиб бориши билан ҳайдов қатламида умумий ғоваклик (50%) юқориликча қолади, ҳайдов қатламининг пастки қатламларида эса (45%) камаяди. Суғориладиган тақирсимон-ўтлоқи тупроқларда агрегатлар ғоваклиги қўриқ тупроқларга нисбатан катта ва Ўзбекистон чўл ҳудуди суғориладиган тупроқларини физик хоссаларини баҳолаш шкаласи бўйича қониқарли ва яхши баҳоланади.

4. Тупроқ ва унинг қатламларида ҳажм ва солиштирама оғирлиги унинг типларига боғлиқ бўлмаган ҳолда 1,18-1,65 г/см<sup>3</sup>. ни ва 2,61-2,76 г/см<sup>3</sup>. ни ташкил қилади. Уларнинг энг кам миқдори чириндили қатламда қайд этилса, юқори катталиги пастки қатламларда ҳосил бўлган.

5. Қашқадарё воҳаси чўл ҳудуди тупроқлари асосан кам шўрланган ва шўрланмаган. Айрим кучли шўрланган қатламлар эса бундан мустасно. Улар шўрланиш таснифи бўйича хлорид-сульфат типига мансубдир. Алмашилиш асослари таркиби механик таркиб ва суғориш даврийлигига чамбарчас боғланган бўлиб, оғир кумокли тупроқларда 12-13 мг/экв. Суғориш даврийлигининг ошиб бориши билан сингдириш сиғимида алмашинувчи

натрийни 1,73 мг/экв. дан 13% гача сингдирилган асослар жами миқдоридан бирмунча ошиши кузатилади.

6. Тақирсимон-ўтлоқи тупроқларнинг кесмалари гумус, ил ва майда чанг заррачалар билан бойитилганда, бойитилмаган қатламларга нисбатан МГ бирмунча юқори. Шўрланиш даражасининг ошиб бориши МГ ни икки-уч марта уни тузи ювилган кўрсаткичига нисбатан оширади. Ўсимликларнинг сўлиш намлиги бўйича уларнинг кесмаси гумус, ил заррачалари ва тузлар билан бойитилганда, бирмунча юқори ва у 3-5 дан 9-11% гачани ташкил қилади. Текширилаётган ҳудуд сув кўрсаткичлари ўзига ҳослиги уларнинг механик таркиби ва маданий ҳолатида намоён бўлади. Дала нам сиғими ва бошқа сув кўрсаткичлари қадимдан суғориладиган оғир механик таркибли тупроқларда янгидан суғориладиган кам маданийлашган ва енгил механик таркибли тупроқларга нисбатан юқори. Шу сабабли суғориладиган тупроқларнинг фаол намлик оралиғи қарийиб 400-500 м<sup>3</sup>/га кўп.

7. Қашқадарё қуйи оқими тупроқларининг сув-физик, физик-механик ва мелиоратив хоссаларини характерлаш бўйича бизнинг олган маълумотларимиз суғориш тартиби, мелиоратив ва агротехник тадбирлар лойиҳасини асослайди: суғориш ва шўр ювиш меъёрларини аниқлайди.

8. Тупроқлардан самарали фойдаланишда унинг унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш учун тупроқларнинг механик таркибини, умумий физик, физик-механик ва сув-физик хоссаларини ҳисобга олиб, суғориш меъёрларини белгилаш ва агротехник тадбирлар ўтказиш шарт.

9. Тупроқларнинг мелиоратив хоссаларини яхшилашда, агрофизикавий тадбирлар қўллашдан ташқари, тупроқ сизот сувларининг критик чуқурлиги, минерализацияси ва тупроқ қатламларидаги тузларнинг умумий захирасини ва шўрланиш типларини ҳисобга олиб, дала нам сиғими 65-75 % бўлганда суғориш меъёрларини бир марталиги 900-1100 м<sup>3</sup> га меъёрда суғоришга эришиш лозим.

10. Тупроқнинг суғориш даврийлигида хосса-хусусиятлари ўзгариши тўғрисида олинган маълумотлардан ўрта ва олий ўқув юртларининг тупроқшунослик ва агрохимё йўналишидаги талабалари, магистрларнинг илмий изланишлари ва ўқитиладиган илмий маърузаларда қўшимча янги маълумотлар сифатида фойдаланиш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.QX/V.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА  
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

**ЗАКИРОВА САЛОМАТ КАСИМБАЕВНА**

**ИЗМЕНЕНИЕ ТАКЫРОВИДНЫХ И ТАКЫРНО-ЛУГОВЫХ ПОЧВ  
НИЗОВЬЕВ КАШКАДАРЬИ ПОД ВЛИЯНИЕМ АНТРОПОГЕННОГО  
ФАКТОРА**

**06.01.03-Агрочвоведение и агрофизика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №B2017.1.PhD/Qx13.**

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Национальном университете Узбекистана и Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу: ([www.soil.uz](http://www.soil.uz)) и в информационно-образовательном портале “Ziyonet” по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Абдуллаев Сагдулла**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Абдуллаев Анвар Хайдарович**  
доктор биологических наук

**Зокирова Саноатхон Хомдомовна**  
доктор сельскохозяйственных наук

**Ведущая организация:** Ташкентский государственный аграрный университет

Защита состоится “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо,3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: [info@soil.uz](mailto:info@soil.uz).

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирован за № \_\_\_\_\_). Адрес: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо,3. Тел. (99871) 246-15-38/

Автореферат диссертации разослан “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2018 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2018 г.)

**Р.К.Кузиев**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

**Н.Ю.Абдурахмонов**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

**М.М.Ташкузиев**

Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день площади орошаемых земель в мире составляют 583,1 млн. гектаров. Из них в Индии 558,1 тыс. км<sup>2</sup>, в Китае 546,0 тыс. км<sup>2</sup>, в США 223,9 тыс. км<sup>2</sup>, в России 46,0 тыс. км<sup>2</sup>, в Узбекистане 42,8 тыс. км<sup>2</sup>, в Казахстане 35,6 тыс. км<sup>2</sup> площадей используется в орошаемом земледелии<sup>1</sup>. В результате орошения формируются проблемы, связанные с поднятием уровня грунтовых вод, увеличением засоления почв, снижению количества и качества урожайности, а также эволюцией почв.

В мире проводятся научные исследования по вопросам влияния изменений климата на почвы, изменения органического вещества почв, продовольственной безопасности, а также эволюции почв. Путем обработки корреляционной связи данных об эволюционных процессах, исходя из типов почв и посевных систем, полученных из 6 стран, внедряются в производство разработки в области повышения, сохранения плодородия и улучшения мелиоративного состояния орошаемых почв.

На сегодняшний день при последовательном ускорении сельскохозяйственного производства страны вопросы повышения почвенного плодородия являются самыми актуальными, и проводятся широкомасштабные мероприятия по обработке посевных площадей соответственно типам почв и улучшению их питательного режима. Вместе с этим, исследованиям изучения изменений агрофизических свойств почв связанных с антропогенным фактором, а именно давностью орошения на такыровидных и такырно-луговых почвах не уделено должного внимания. В Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 годы "...динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора"<sup>2</sup> определено одним из важных стратегических задач. Исходя из вышеприведенных данных, необходимо создание комплекса своеобразных систем, с учетом образования, а именно изменения генезиса и эволюционного развития под влиянием антропогенных факторов, а также процессов развития каждого почвенного типа, подтипа и разности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистана от 31 мая 2017 года №УП-5065 «О мерах по усилению контроля за охраной и рациональным использованием земель, совершенствованию геодезической и картографической деятельности, упорядочению ведения государственных кадастров», и УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

---

<sup>1</sup> [http:// www.geographyofrussia.com](http://www.geographyofrussia.com)

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Из узбекских и зарубежных ученых М.И.Братчевой, Г.И.Вайлертом, Н.Т.Муравьевой, Н.В.Кимбергом, Smart, M.K., S.De Pascale, G.Barbieri, Д.Р.Исматовым, А.М.Расуловым, М.У.Умаровым, Л.Турсуновым, Ж.И.Икрамовым, Р.Кузиевым, М.М.Ташкузиевым, Г.Юлдашевым, Р.Курвантаевым, С.Абдуллаевым и другими проводились научные исследования по изучению изменений агрохимического, агрофизического и мелиоративного состояния почв под влиянием антропогенных факторов. Однако научные исследования по изучению изменений морфогенетического и эволюционного состояния почв на основе давности орошения не проводились в достаточной мере.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами научно-исследовательского и высшего учебного заведения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии по прикладным проектам по теме: А7-446. «Современное состояние плодородия почв Кашкадарьинской долины и способы их улучшение» (2006-2008 гг.), а также в рамках плана научно-исследовательских работ Национального университета Узбекистана по прикладным проектам по теме: №1/1 «Разработка мероприятий по сохранению, повышению и защите плодородия, а также улучшению мелиоративного состояния орошаемых почв Узбекистана» (2015-2017 гг.).

**Целью исследования** является изучение агрохимического, агрофизического и мелиоративного состояния, эволюционных изменений, а также разработка рекомендаций по сохранению и повышению плодородия такыровидных и такырно-луговых почв сформированных на нижнем течении Кашкадарьи.

**Задачи исследования:**

